

ТУРЛИ ШОЛИ НАВЛАРИНИНГ САҚЛАНУВЧАНЛИГИГА БАРГДАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ТАЪСИРИ

Қ. Ўразметов

ТошДАУ Ўсимликишунослик ва мойли экинлар кафедраси доценти.,

И. Садуллаев

ТошДАУ магистранти.

Аннотация. Ушбу мақолада шоли ўсимлиги кўчатининг сақлашига таъсир қилувчи омиллар кўчат қалинлиги озиклантириш меъёрларини бошқариш орқали ҳосилдорликни оширишни назарда тутилган. Шоли гектарига 5-7,5 млн дона экилганда яъни, ҳар м² ерда ўримга қадар 250-350 туп атрофида ўсимлик ва 450-500 та рувакли поя бўлган тақдирда шолидан мўл ҳосил олинган. Ўсимликнинг серпоя бўлишида тупланишнинг аҳамияти катта, лекин ўсимликнинг меъёрий қалинликда бўлишида тупланиш ёрдамчи омил ҳисобланади. Агар шолида минерал ўғитлар меъёри кам бўлса натижада майсалар сийрак чиқса, улар қанчалик сертуп бўлмасин барибир кўзланган ҳосилни қоплай олмайди. Бинобарин озиклантиришда минерал ўғитлар билан бир қаторда микроўғитларни қўлланилганда белгиланадиган кўчат қалинлигига эришилади ва шолидан мўл ҳосил етиштириш мумкин бўлади.

Аннотация. В этой статье рассматриваются факторы, влияющие на уход за рассадой риса, чтобы повысить урожайность за счет управления нормами кормления толщины рассады. При посеве 5—7,5 млн штук риса на гектар, т. е. при наличии до уборки 250—350 растений и 450—500 стеблей на каждом м² земли, получали богатый урожай риса. Пень важен для того, чтобы растение было плотным, но для того, чтобы растение имело нормальную толщину, это вспомогательный фактор. Если норма минеральных удобрений в рисе низкая, то в результате газоны получаются изреженными, какими бы хорошими они ни были, все равно не могут покрыть намеченный урожай. Поэтому при использовании в подкормке микроудобрений наряду с минеральными удобрениями определяется толщина всходов и появляется возможность вырастить богатый урожай риса.

Annotation. In this paper, the factors influencing the maintenance of rice plant seedlings are considered to increase the yield by managing the feeding rates of the seedling thickness. When 5-7.5 million pieces of rice are planted per hectare, i.e., when there are 250-350 plants and 450-500 stalks on each m² of land before harvest, a rich harvest of rice was obtained. Stump is important for the plant to be dense, but it is an auxiliary factor for the plant to have a normal thickness. If the rate of mineral fertilizers in rice is low, as a result, the lawns are sparse, no matter how good they are, they still cannot cover the intended harvest. Therefore, when

microfertilizers are used along with mineral fertilizers in feeding, the thickness of the seedling is determined and it becomes possible to grow a rich harvest of rice.

Кириш. Халқаро ФАО ташкилоти маълумотларига қараганда, 2020 йилда дунё бўйича 158,8 млн. гектар майдонда шоли экилиб, 742,5 млн. тонна дон ҳосили етиштирилган, жумладан, Хитойда – 30,5 млн. гектарда, 211 млн тонна, Ҳиндистонда – 42,9 млн гектарда, 158,7 млн тонна, Индонезияда 14,2 млн гектарда, 77,2 млн тонна, Бангладешда 11,3 млн гектарда, 52,5 млн тонна, Вьетнамда 7,7 млн гектарда, 43,4 млн. тонна, Мьянмада 6,7 млн гектарда, 25,6 млн. тонна, Таиланда 8,6 млн гектарда, 25,2 млн тонна, Филиппинда 4,5 млн гектарда, 17,6 млн тонна, Покистонда 2,7 млн гектарда, 10,4 млн тонна, АҚШ да 1,2 млн гектарда, 10,1 млн тонна шоли ҳосили етиштирилган¹.

Қишлоқ хўжалиги экинларидан, шу жумладан шоли ўсимлигидан юқори ва сифатли дон ҳосилдорлиги етиштириш маълум даражада далада юқори ҳосилни таъминловчи кўчат ундириб олишга боғлиқ. Шу туфайли агрономияга оид барча илмий тадқиқот ишларида ўрганилаётган агротехник омилларни дала экинларининг кўчат қалинлигига таъсирини аниқлаш асосий таълабларидан бири ҳисобланади.

Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши ҳар йили барча ўсув даврларида бир хил бўлмайди. Ўсимликнинг вегетация даврида баъзи босқичлар жадал ривожланса, баъзи босқичлар жуда секин ўтади. Қишлоқ хўжалиги экинларида ўсишнинг бошланиши, ривожланиб бориши ва тўлиқ пишиб етилишигача бўлган жараёнлар биргаликда ўсув даврини ташкил қилади.

Барча қишлоқ хўжалик экинлари қатори шолининг ҳам вегетатив органларининг ўсиш динамикаси юқоридаги босқичларнинг алмашилиб келиши аниқ қонуният, ташқи муҳит таъсири (об-ҳаво, агротехник, тупроқ) ва агротехник тадбирлар ҳамда навнинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишарлигига, навларнинг биологик хусусиятлари асосида ўзгариб боради [30; 236 б]

Бироқ, шоли етиштиришда шолчиликда микроўғитлар билан илдиздан ташқари озиклантиришни шолининг кўчат қалинлиги, махсулдор тупланувчанлигига таъсири етарлича ўрганилмаган, бу борада илмий маълумотлар кам.

Тадқиқот услублари. Илмий тадқиқотларда дала тажрибаларни жойлаштириш, ҳисоб-китоблар, кузатишлар “Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ПСУЕАИТИ) асосида амалга оширилган. Олинган натижаларининг дисперсион ва статистик таҳлиллари Microsoft Excel дастурлари ёрдамида Б.А.Доспехов бўйича ҳисобланган.

Тадқиқот натижалари: Шу туфайли Тошкент вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида турли микроўғитлар билан суспензия тарзида илдиздан ташқари озиклантиришни шоли навларининг кўчат қалинлигига ва

¹atlasbig.com/ru/страны-по-производству-риса

маҳсулдор поялар сонига таъсирини ўргандик. Микроўғитлар қўллашни шолнинг Лазурный навининг кўчат қалинлигига таъсири тўғрисидаги тажриба маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Турли шоли навларининг сақланувчанлигига бардан озиқлантиришининг таъсири (Тошкент вилояти 2022 й)

№	Вариантлар	Экиш усули	Ўсимликлар сони, дона/м ²		Кўчатни ўримгача сақланиши, %
			Экиш даврида	Ўримдан олдин	
1	N ₁₈₀ P ₁₅₀ K ₁₅₀ -ФОН	қўлда кўчат	78	75	96,6
2		механизмда кўчат	83	81	98
3		уруғидан сочма	279	162	57,9
4	ФОН+ ДАМИН РК 1 л/га	қўлда кўчат	78	75	96,2
5		механизмда кўчат	83	81	97,2
6		уруғидан сочма	280	164	58,5
7	ФОН + Айдамин- Бор-Молибден 1 л/га	қўлда кўчат	78	75	96,2
8		механизмда кўчат	84	81	96,8
9		уруғидан сочма	281	162	57,7

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики тажрибада 1 м² майдондаги ўсимликлар сони бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар экиш сочма усулда ўтказилган вариантларда кузатилди. Экиш сочма усулида олиб борилган вариантларда 1 м² майдондаги ўсимликлар сони экиш даврида 279-281 дона/м², ўримдан олдин 162-164 дона/ м² уруғ сочма усулда экилган вариантларда қайд этилди.

Шоли кўчат усулида экилган вариантларда ўсимликнинг кўчат қалинлиги экиш даврида 78 дона/м², ўримдан олдин 75 дона/м² ташкил этган. Шоли кўчатлари механизмда экилган шароитда 1 м² майдондаги ўсимликлар сони экиш даврида 83-84 дона/м², ўримдан олдин 81 дона/м² ташкил этди.

Шоличиликда кўчатларни ундириб олиш билан бир қаторда кўчатларни сақлаб қолиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу туфайли тажрибада кўчатларни вегетация даври охирида сақланиб қолиши ҳам ўрганилди.

Тажриба натижаларига кўра сақланувчанлик кўрсаткичи уруғ сочма усулда экилган вариантларда 57,7-58,5%, механизмда экилган вариантларда 96,8-98,0%, кўчати қўлда экилган шароитда 96,2-96,6% ни ташкил этди.

Хулоса: Экиш усуллари шоли ўсимлигининг сақланувчанлигига сезиларли ижобий таъсир этиши аниқланди. Бунга кўра шоли кўчати қўлда

ва механизмда экилганда уруғидан экилганга нисбатан ўрим йиғимгача сақланувчанлиги Лазурный навида 38,4-40,1%, Искандар навида 37,4-40,3% юқори бўлганлиги қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Атабаева Х.Н, Худойқулов Ж.Б. –Ўсимликшунослик// Тошкент -Фан ва технология// нашриёти, 2018 й. 407 б
2. Гуцин Г.Г. Рис. Ленинград. 1930 г. Б.11-15.
3. Зеленский, Г.Л. Рис: биологические основы селекции и агротехники: монография. Краснодар: КубГАУ, 2016. – 236 с.
4. Исхаков Т.Э.,Тилавов У.Х. Шолини кўчат усулида етиштиришда навларнинг аҳамияти. Шоличилик ва дуккакли дон экинларини ривожлантиришнинг истиқболлари: нав яратиш уруғчилик янги технологияларни жорий қилиш. Тошкент. Мехнат. 1998. 18-20 б.
5. Baldev Raj Kamboj, Dharam Bir Yadav, Ashok Yadav, Narender Kumar Goel, Gurjeet Gill, Ram K. Malik, Bhagirath Singh Chauhan. Mechanized Transplanting of Rice (*Oryza sativa* L.) in Nonpuddled and No-Till Conditions in the Rice-Wheat Cropping System in Haryana, India. American Journal of Plant Sciences, 2013, 4, pp.2409-2413
6. Саитканова Д.Р. “Турли экиш усуллари ва баргдан озиклантиришнинг шолини ўсиши, ривожланиши ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсири” // қ.х.ф. бўйича (PhD) дисс. Автореферати. Тошкент. 2021. 67-70-б.